

2013 йил учун
«UNICON.UZ» ДУК иш натижалари бўйича
ахборот

1. ЎзР ААваТТДҚнинг 2013 йил 22 январдаги 33-сон буйруғи билан тасдиқланган 2013 йил учун алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида норматив-ҳуқуқий ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларига мувофиқ, “UNICON.UZ” ДУКга 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (жумладан, олдинги йиллардан ўтган 4 та НХХ) ҳамда 56 та норматив ҳужжат (шу жумладан, олдинги йиллардан ўтган 16 та НХ) ишлаб чиқиш топширилган, буюртмачилар этиб ЎзР ААваТТДҚ, “Ўзбектелеком” АК, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва ЭМММ ДУК белгиланган.

2013 йил давомида техник топшириқларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш, норматив ҳужжатлар биринчи ва якуний таҳрирларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш, шунингдек олдинги йиллар режасидан ўтадиган НХни ишлаб чиқиш ишларини якунига етказиш бўйича ишлар бажарилди.

2. ЎзР ААваТТДҚнинг 2013 йил 6 февралдаги 61-сон буйруғи билан тасдиқланган 2013 йилда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш режалари бўйича “UNICON.UZ” ДУКда 11 та мавзу бўйича ИТИ ўтказиш ва 1 мавзу бўйича ўқув қўлланмани ишлаб чиқиш, 2009 йил 10 мартдаги 75-сон буйруғи бўйича – 2009 йилдан ўтадиган 1 та мавзу бўйича ИТИ ўтказиш ва 2012 йил 22 февралдаги 52-сон буйруғи бўйича – 2012 йилдан ўтадиган 4 та мавзу бўйича ИТИ ўтказиш ва 1 мавзу бўйича ўқув қўлланмасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Техник топшириқларда кўзда тутилган барча ҳисобот материаллари тақдим этилган.

3. 2013 йил давомида телекоммуникация техник воситаларини сертификат-лаштириш органи томонидан қўйидаги ҳажмда ишлар бажарилган:

декларация-талабномалар берилиш – 441 та;

мувофиқлик сертификатлари бериш – 438 та;

сертификатлаштириш ишларини ўтказиш учун 167 та шартнома ва 32 та экспорт контрактлари тузилди.

4. Асос метрологик хизмати томонидан 2013 йил давомида қўйидаги ишлар бажарилди:

- соҳа корхоналарининг метрологик хизматлар ишларининг режалари тўпланди ва таҳлил қилинди;

- метрологик таъминот масалалари бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг 150 та ташкилотларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатилди;

- алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси корхоналарида фойдаланиладиган ЎВ маълумотлар базасини юритиш бўйича ишлар ўтказилди;

- metrolog.aci.uz ахборот-маълумот тизимининг маълумотлар базаси янгиланди;

- ҳисобот даврида метрологик аттестация ҳақида 28 та сертификат соҳа реестрига киритилди;

- Рақамли алоқа тармоқларининг бутунлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг самарали механизми сифатида ўлчашлар бирлиги” мавзусидаги метрология хизматларининг бош метрологлари ва мутахассислари 20-конференциясида иштирок этилди (Россия Федерацияси, Москва ш.);

- хизмат ходимлари “Метрология-2013” илмий-амалий конференциясида иштирок этдилар.

5. 2013 йил давомида СТТ томонидан қуйидаги ишлар бажарилди:

- норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, стандартлаштириш ва норматив ҳужжатларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни тайёрлаш бўйича ишлар режалари ва ҳисоботларини тузишда корхона ва ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатилди;

- ахборот-маълумот фондига 37 та норматив ҳужжат, 3 та луғат, 45 та норматив ҳужжатларга ўзгартириш киритишлар, 9 та норматив ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш 33 та норматив ҳужжат, ва 9 та ИТИ бўйича якуний ҳисобот келиб тушди;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ишлаб чиқилган 79 та норматив ҳужжатнинг текшируви ўтказилди;

- 21 876 варақ миқдорида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқилган норматив ҳужжатларнинг норма назорати ўтказилди;

- амалга киритилган ва Фондга янги келган норматив ҳужжатлар ва уларга ўзгартиришлар тўғрисида 9 та сигнал билдиришномалар тайёрланди;

- НҲМБ АТга 37 та норматив ҳужжат, 24 та луғат, 27 та норматив ҳужжатларга ўзгартириш киритишлар, 9 та норматив ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш, уларга характеристикалар тайёрланди ва киритилди;

- кўпайтириш учун 51 та норматив ҳужжатлар, вақтинча фойдаланиш учун 378 та норматив ҳужжат берилди.

6. 2013 йил давомида ЭММТХ томонидан қуйидаги ишлар бажарилди:

- РЧДК нинг 2013 йил 26 февралдаги 1/3-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикасининг ХЭИ-Рнинг РА-15 ва БРК-15 тадбирларига Тайёрлов комиссияси Иш режаси, ҳамда РЧДКнинг 2013 йил учун Иш режаси лойиҳаси асосида ЭММТХнинг 2013 йил учун Иш режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди;

- ХЭИ-Рдан келиб тушган ҳужжатлар лойиҳаси таҳлил қилинди ва ишлаб чиқилган маълумотлар ва таклифлар РЧДК ИҚга тақдим этилди: янги Тавсиялар лойиҳаси – 16, қайта кўриб чиқилган Тавсиялар лойиҳаси – 63, бекор қилиш учун таклиф этилган Тавсиялар лойиҳаси – 4, янги Саволлар лойиҳаси – 3, қайта кўриб чиқилган Саволлар лойиҳаси – 8, бекор қилиш учун таклиф этилган Саволлар лойиҳаси – 1, процедура қоидаларига ўзгартиришлар бўйича таклифлар – 3;

- Ўзбекистон Республикаси Частоталар тақсимланиши жадвалига (ЧТЖ) БРК-12 якуний қарорларига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ишлари якунланди. Ўзгартиришлар лойиҳаси Тайёрлов комиссияси ва РЧДК йиғилишида кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Бунда, БРК-12 якуний қарорларига мувофиқ киритилган ўзгартиришларнинг кўп

сонли эканлиги туфайли иш 2 босқичда амалга оширилди. Тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар РЧДКнинг 26.02.2013 даги №1/4 ва 31.07.2013даги№2/3-сонли Қарорлари билан қабул қилинди;

- Радиочастоталардан фойдаланишни бошқариш бўйича Ишчи гуруҳининг (Беларусь Республикаси, Минск ш.) бўлиб ўтган навбатдаги 2-йиғилишида иштирок этилди;

- 21,4-22 GHz полосасида ишловчи йўлдош тармоқлари аризаси нархлари қайта кўриб чиқилди ва РЧДКга тегишли таклиф ва мулоҳазалар юборилди;

- ХЭИ-Р 6А Ишчи гуруҳининг йиғилиши, ҳамда UHF диапазони частоталари координацияси бўйича бўлиб ўтган координацион йиғилишида иштирок этилди;

- БРК-15 1.3 бандига тегишли Саволномани ўрганиб чиқиш натижасида оммавий хавфсизлик ва фавқулодда ҳодисаларда ёрдам бериш мақсадида радиочастота спектр идан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар тайёрланди ва РЧДКга тақдим этилди;

- Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикалари алоқа маъмуриятлари ўртасидаги частоталарни ўзлаштириш координация асослари бўйича келишув лойиҳалари кўриб чиқилди ва тегишли таклиф ва мулоҳазалар РЧДКга тақдим этилди;

- ХЭИ томонидан МДХ ва Европа давлатлари учун ташкиллаштирилган минтақавий семинарида (Украина, Киев ш.) иштирок этилди;

- ХЭИнинг 2015 йили бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясига тайёрланиш бўйича 1-халқаро семинар-амалиётида (Швейцария, Женева ш.) иштирок этилди;

- БРК-15 га тайёргарлик бўйича маълумотлар базаси ХЭИ-Р, халқаро ва минтақавий ташкилотлар хужжатлари асосида янгиланиб борилмоқда. Мазкур маълумотлар базаси «UNICON.UZ» ДУК веб-сайтига (<http://unicon.uz/projects/wrc-12/index.html>) жойлаштирилган;

- симсиз радиоалоқа тизимларини 3400-3600 MHz частоталар полосасидан фойдаланиши таҳлил қилинди ва таҳлил натижалари РЧДКга юборилди.

7. Ҳисобот даврида АОДКХ ходимлари томонидан алоқа субъектлари ва объектларининг вакиллари билан маслаҳат иши ўтказилди.

Бир қатор соҳа корхоналарига консультацион ёрдам кўрсатилди.

“Ўзбектелеком” АК филиаллари, жумладан “Ўзмобиайл” ва “ВКМ”, шунингдек, “Ист Телеком” МЧЖ, “РАКМ” ДУК, “Ўзимпексалоқа” ЁАЖ ваколатли шахсларини яқка тартибда ўқитиши ўтказилди.

“Алоқа объектлари кадастри” АТни такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилди:

- “Телекоммуникация субъектларига бўлган умумий рўйхатга олиш маълумотлари” шаклига ўзгартиришлар киритилди;

- “Ҳар қандай даражадаги умумий рўйхатга олиш маълумотлари” га янги сатрлар қўшилди;

- “Ер участкаси тўғрисидаги маълумотлар” ва “Бино ва иншоот тўғрисидаги маълумотлар” шаклларига ўзгартиришлар киритилди.

8. 2013 йил давомида Атамашунослик ва луғатлар хизмати томонидан ишлаб чиқилган 4 та атамашунослик луғати амалга киритилди, 2 та изоҳли луғат келишиш учун юборишга тайёрланмоқда ва 1 та луғатини таҳрир ишлари бошланди.

9. 2013 йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 615 та лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизаси бўйича ишлар ўтказилди.

10. 2013 йил давомида “UNICON.UZ” ДУК қошидаги Электрон рақамли имзолар маркази фаолиятини амалга ошириш юзасидан:

- RSA стандарти асосида 1823 та;
- O'zDSt стандарти асосида 10895 та;

ЭРИ калит ва сертификатлари берилди. 2013 йил учун берилган ЭРИ калитларининг умумий миқдори 12718 тани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 майдаги “Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 126-сон қарорининг ижросини таъминлаш борасида давлат органларини ягона ҳимояланган электрон почта ва электрон ҳужжат айланиш тизимларида ишлаш учун ЭРИ калитлари муддатлари узайтирилмоқда.

2013 йил мобайнида E-hujjat ЭҲА тизимига йил мобайнида 960 та фойдаланувчи, E-XATXEP тизимига 1350 та та фойдаланувчи уланди.

E-“kalit” аппарат-дастурий қурилмалар йил мобайнида 520 таси сотилди.

Тошкент шаҳри ва вилояти, Қашқадарё, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхандарё, Наманган, Сирдарё вилоятлари қошидаги “Компьютерлаштириш марказлари” ДУК билан “E-hujjat” ЭҲА тизими дастурий таъминотини жорий этиш бўйича партнёрлик шартномалари имзоланди.

Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Бухоро вилоятлари ва Қарши шаҳри қошидаги “Компьютерлаштириш марказлари” ДУК ва Республика методик ва ахборот маркази билан “E-XAT” ХЭП тизими дастурий таъминотини жорий этиш бўйича дистрибьюторлик шартномалари тузилди.

Шунингдек, ЭРИни вилоятларда кенг жорий этиш мақсадида, “Компьютерлаштириш марказлари” ДУК қошида ЭРИни рўйхатга олиш марказлари очилди. Хусусан, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Сурхандарё, Сирдарё, Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари ва Қарши шаҳри қошидаги компьютерлаштириш марказлари билан ЭРИни рўйхатга олиш тизими бўйича дистрибьюторлик шартномалари имзоланди.

Электрон рақамли имзоларни рўйхатга олиш марказлари таклифларига асосан “Очиқ калитлар инфраструктурасига талаблар” техник регламенти экспертлар мулоҳазасига кўра якуний ўзгартиришлар киритилди ва “Ўзстандарт” агентлигида тасдиқланди.

ЎзАААнинг 2012 йил 4 мартдаги №84-сонли буйруғининг 1-илоvasи VI-бандига асосан, «UNICON.UZ» ДУК томонидан, ИУТ тизимининг ЎзР ДБҚ, ЎзР ДСҚ, ЎзР МБ ахборот тизимлари билан тест синов ва бириктириш ишлари олиб борилмоқда.

“Электрон ҳукумат ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг биринчи таҳрири ишлаб чиқилди.

2013-2014 йиллар давлат буютмасига қўшиш учун, ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилиб Қўмитага тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш Концепциясини ишлаб чиқишда иштирок этилди.

Хўжалик судида ЭҲА тизимини жорий этиш бўйича шартнома лойиҳаси ва тижорат таклифи тайёрланди, ЭҲА тизимининг 1 талқини бўйича ишлар олиб борилмоқда.

“ЎзРнинг ДСҚ корпоратив маълумотлар ўтказиш сетини модернизациялаш” ва “Давлат солиқ хизмати органларида ҳисоблаш машина техникасини янгилаш парки” инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш учун дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш ўтказилди.

11. 2013 йилда ТҚТТ ТВ СПБ ва ТҚТТ ТВ МСЛ томонидан “Ўзбектелеком” АК, “Coscom” ХК МЧЖ, ҳамда “UNITEL” ХК МЧЖ билан тузилган шартномларга асосан, телекоммуникация тармоғида ТҚТТ фойдаланувчиси билан биргаликда қабул қилиш - топшириш синов ишлари ўтказилди.

“Huawei Tech. Investment Co., Ltd.” компанияси, “ZTE” корпорацияси, “Nokia Siemens Networks Oy” компанияси, ҳамда “Iskratel Telekomunikacijski sistemi, d.o.o., Kranj” фирмаси билан тузилган шартномаларга асосан, мувофиқлик сертификатлари берилди ва сертификатлаштирилган ТҚТТ техник воситаларини инспекция назоратидан ўтказиш ишлари олиб борилди.

12. 2013 йил давомида “UNICON.UZ” ДУК қошидаги Дастурий маҳсулотларни экспертиза қилиш бўлими фаолиятини амалга ошириш юзасидан:

- ЎзР ТИАИваСВ, “Ўзбекэнерго” ДАК, «Panterra taxi» МЧЖ, ЎзР Молия вазирлиги, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, Гидрометеорология хизмат маркази, Республика фонд биржаси, “SSP-Marokand” УК, “Unisoft” ва “Soliq Info Systems” МЧЖларга консултацион ёрдам кўрсатилди;

- ЎзР ААТТДҚнинг 2013 йил 10 январдаги 5-ф-сон фармойишига мувофиқ дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича “NIPA” компанияси (Жанубий Корея) билан қўш ма корхонани ташкил этиш инвестиция лойиҳаси бўйича маълумот тайёрланди;

- “Soliq Info Systems” МЧЖ, ЎзР ТИАИваСВ, ЎзР ДСҚ, “Payment Gateway” МЧЖ, “Agata-Spektr” МЧЖ ва “Ўзбекэнерго” ДАКларга ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотларининг экспертизаси бўйича ишлар ўтказилди.

13. 2013 йил давомида “UNICON.UZ” ДУК ходимларининг малакасини ошириш дастурини амалга ошириш ишлари бажарилди.

Ҳисобот даврида Марказнинг ўқув марказларида 246 та ходим ўз малакаларини оширдилар.

Ходимлар таркибини малакали ходимлар билан тўлдириш мақсадида “UNICON.UZ” ДУК ТАТУ ва бошқа олий ўқув юртлари билан фаол ҳамкорлик қилади.

Ҳозирги вақтда 12 та талаба ТАТУда, 12 та талаба Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида проф. М. А. Бонч-Бруевич номидаги Давлат университетида “UNICON.UZ” ДУК ҳисобидан ўқимокдалар.